

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҶОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

39 «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзgartиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва раҷобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда), Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 523-модда), 2012 йил 30 декабрдаги 374-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда), 2013 йил 11 июндаги 165-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 314-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қиладилар**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташки аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат раками 1668, 2007 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 128-модда) иловага мувофик ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 декабрь,
01/09-26/25-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 декабрь,
114-сон

Ўзбекистон Республикасининг

Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг
2013 йил 18 декабрдаги 01/09-26/25,
114-сон қарорига

ИЛОВА

**«Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари)
50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни
ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик
ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

муқаддима кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 523-модда), 2012 йил 30 декабрдаги 374-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда), 2013 йил 11 июндаги 165-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.,

24-сон, 314-модда) қарорларига мувофиқ, аудиторлик ташкилотларини уст-тав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортик бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотла-ри рўйхатига киритиш тартибини белгилайди.»;

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритила-ди)га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-банд қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

«4. Аудиторлик ташкилотларининг хужжатларини кўриб чиқиш учун Марказ ва Молия вазирлиги ходимларидан иборат таркибда ишчи групхи тузилади. Ишчи групхнинг таркиби ва иш регламенти Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-лантириш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.»;

5-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси, Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Марказга» деган сўз билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Марказ ва Молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.